

Идда ҳақида тўлиқроқ маълумот берсангиз.

15:00 / 26.04.2016 34260

Идда ҳақида тўлиқроқ маълумот берсангиз. Бу вақт ичида ишлаш мумкинми ёки уйда ўтириш керакми?

Идда сўзи арабча сўз бўлиб «санаш» маъносини англатади. Шаръий идда эса аёл кишини талоқ туфайли ёки ўлим туфайли эридан ажралганидан сўнг турмушга чиқмасдан маълум бир кунлар ададида алоҳида ҳолатда ўтиришини «идда ўтириш» дейилади. Бугунги кунда воқелигимизда талоқ иддаси ва ўлим иддаси бўлади. Талоқ иддаси деганда бирга никоҳда яшаб турган эр-хотин эр талоқ қилганидан кейин ораларидаги никоҳ бузилади ва шундан сўнг аёл киши идда ўтириши лозим бўлади. Аёл киши уч ҳайз кўриш муддатида идда ўтиради, ўлимнинг иддаси эса Қуръони Каримда очиқ ойдин айтилганидек тўрт ойу ўн кун бўлади. Талоқ иддасида ўтирган аёл эри билан қайта ярашиш умиди ва рухсати бўлса, ана шу талоқ қилинган уйда ўтиради. Ва ўзини ораста тутиб, чиройли кийимларни кийиб, пардоз-андоз қилиб ўтириши марғуб ҳисобланади. Чунки эр унинг чиройли ҳолатини кўрганда рағбати қайта қўзиб ажралиш ниятидан қайтиб, яна қайта ражъат қилсин, аёлини ўз никоҳига қайта олсин ва бирга яшаб кетиши умид қилинади. Талоқ қилинган аёлни уйдан чиқариб юборишга эрнинг ҳаққи йўқ ва аёлнинг ўзини ҳам чиқиб кетишига ҳаққи йўқ. Бу Қуръони Каримда айтилган: «Эй эркаклар сизлар уларни ўз уйларидан чиқарманг», яъни талоқ қилинган аёлларни ўтирган уйлари ўз уйи «Талоқ туфайли чиқариб юборманг» дейди. Ва аёллар ўзлари ҳам чиқиб кетмасинлар, иддани муддати тугагунча ана шу талоқ қилинган ўзи яшаб турган уйда ўтирсин дейилмоқда. Шу талоқ туфайли бўлган идда давомида аёл кишини кўчага чиқишига рухсат йўқ. Бунини уламолар ҳаммаси иттифоқ қилинган ҳукм деб билишимиз лозим. Эри ўлганидан кейин идда ўтирадиган аёл эса иддага қўшиб мотам ҳам тутди. Мотам тутишида исломда алоҳида кийим кийиш йўқ ёки маълум бир амалларни қилиши йўқ, Балки ҳурсандчилик аломатларини бўрттириб кўрсатадиган ҳолатга ўтмайди. Яъни, тўй тўлқинга борганда кийинадиган ёки эрига кўринганда ясаиб кўринадиган ҳолатларини қилмай оддий кийимлар билан ўтиради, ҳурсандчилик аломатларини кўрсатмайди. Алоҳида бир рангдаги ёки шаклдаги кийим кийиш ҳам мутлақо шариятда буюрилмаган нарса ҳисобланади. Эри ўлганидан кейин идда ўтираётган аёл ҳожати тушса, яъни озиқ-овқати ёки ўзининг турмушига керакли нарсаларни олиб келиб

таъминлаб турадиган одамлар бўлмаса, шуларни олиш учун кўчага чиқса шариатда рухсат берилган. Мана бу ҳолатларни эркаклар ҳам аёллар ҳам яхши билишлари керак. Бу ерда ҳикматлар ниҳоятда кўп, ҳукмлари ҳам кенг ёритилган. Албатта буни бир саволни жавоби тарзида узун-узоқ баён қилишни имкони йўқ. «Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 13 жузи никоҳ, талоқ ва иддага бағишланган. Ана шу китобда жуда ҳам муфассал бир маънода идда масаласи ҳам ёзилган. Иншааллоҳ дуо қилиб турсаларингиз ўша китоб чиққанида ҳамма бир ўқиб фойда олар, аҳкомларини билар деган умиддамиз.